

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**91** **Кредит бюрolari, кредит ахборотидан фойдаланувчилар ва кредит ахборотини етказиб берувчилар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви ҳамда кредит ҳисоботларини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2331*

*(2012 йил 12 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 412-модда) қонунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Кредит бюрolari, кредит ахборотидан фойдаланувчилар ва кредит ахборотини етказиб берувчилар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви ҳамда кредит ҳисоботларини тақдим этиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 14 январь,  
1/2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил  
14 январдаги 1/2-сон қарорига  
ИЛОВА

**Кредит бюрolari, кредит ахборотидан фойдаланувчилар ва  
кредит ахборотини етказиб берувчилар ўртасида кредит  
ахбороти алмашинуви ҳамда кредит ҳисоботларини  
тақдим этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 412-модда) қонунларига мувофиқ кредит тарихини шакллантириш учун кредит бюрolari, кредит ахборотидан фойдаланувчилар ва кредит ахборотини етказиб берувчилар (бундан буён матнда иштирокчилар деб юритилади) ўртасида кредит ахбороти алмашинуви ҳамда кредит ҳисоботларини тақдим этиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**кредит буюртмаси** — юридик ёки жисмоний шахсларнинг кредит ташкилотларидан кредит олиш тўғрисидаги аризаси;

**потенциал қарз олувчи** — кредит ташкилотига кредит буюртмасини тақдим этган юридик ёки жисмоний шахс.

2. Иштирокчилар ўртасидаги ўзаро кредит ахбороти алмашинувида кредит ахборотининг бутлигини, ишончилигини ва махфийлигини таъминлаш учун Кредит бюрolarининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2318, 2012 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 35-модда) мувофиқ хавфсизлик чоралари қўрилиши лозим.

**II. Иштирокчилар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви**

3. Иштирокчилар кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) асосида кредит ахбороти алмашинувини амалга оширадилар.

4. Шартномада Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддасида белгиланган талаблар, шунингдек сўралаётган кредит ахборотининг ҳажми, кредит ахборотини ва кредит ҳисоботини тақдим этиш муддатлари қайд этилиши лозим.

5. Кредит бюрolari кредит ахбороти алмашинуви учун ўзларида махсус электрон почта манзилини очиши лозим.

6. Кредит ахборотини етказиб берувчилар кредит ахборотини кредит бюрolarига кредит ахбороти субъектининг розилигисиз тақдим этади.

7. Кредит ахборотини етказиб берувчилар кредит ахбороти субъектининг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган кредит ахборотини файл кўринишида шартномада белгиланган тартибда кредит бюрolarига тақдим этадилар.

8. Кредит ахбороти алмашинувида кредит ахборотининг махфийлигини таъминлаш учун кредит бюрolari ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлари доирасини белгилайди.

### **III. Кредит бюрolari томонидан кредит ҳисоботларини тақдим этиш**

9. Кредит бюрolari томонидан кредит ҳисоботи шартномага мувофиқ кредит ахборотидан фойдаланувчиларга кредит ахбороти субъектининг розилиги билан, кредит ахбороти субъектига эса унинг сўровига асосан тақдим этилади.

10. Кредит бюрolari томонидан кредит ҳисоботи кредит ахборотидан фойдаланувчи бўлган кредит ташкилотларига кредит буюртмасига асосан тақдим этилади.

11. Кредит ахборотидан фойдаланувчи бўлган кредит ташкилотларининг кредит ҳисоботини олиш бўйича сўровларида потенциал қарз олувчи тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ қайд этилиши лозим.

12. Кредит бюрolari томонидан кредит ахбороти субъектига тақдим этилган кредит ҳисоботида унинг барча кредит ахборотини етказиб берувчилари ва кредит ахборотидан фойдаланувчиларининг маълумотлари кўрсатилиши лозим.

13. Кредит ахбороти субъекти кредит бюрolarига ўзининг кредит ҳисоботидаги кредит ахборотига эътироз билдиришга ҳақли. Кредит бюрolari эътироз билдирилган кундан бошлаб 30 календарь куни мобайнида кредит ахборотини етказиб берувчиларга ва Кредит ахборотининг давлат реестрига қўшимча сўровлар юбориш йўли билан кредит ахбороти субъектининг кредит тарихига аниқлик киритиши шарт. Кредит ахбороти субъектининг эътирози ўринли бўлган тақдирда кредит бюрolarининг сўровига асосан кредит ахборотини етказиб берувчилар кредит ахбороти субъектининг кредит ахборотига ўзгартириш киритади. Киритилган ўзгартириш ҳақидаги маълумот ва унинг санаси кредит ахбороти субъектининг кредит тарихида қайд этилади.

14. Кредит ахбороти субъектига тақдим этилаётган кредит ҳисоботи қоғоз ёки электрон шаклда бўлиши мумкин.

15. Кредит бюрolari томонидан кредит ахбороти субъектига бошқа кредит ахбороти субъектларининг кредит ҳисоботини берилиши тақиқланади.

16. Кредит бюрolari томонидан тақдим этилган кредит ташкилотининг потенциал қарз олувчиси тўғрисидаги кредит ҳисоботи кредит берилиши ёки рад этилиши учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

#### **IV. Кредит ахбороти алмашинуви бўйича жавобгарлик**

17. Иштирокчилар ахборот алмашинуви давомида ўзларига маълум бўлган кредит ахборотининг ва кредит ҳисоботининг махфийлигини таъминлашга ҳамда ҳаққонийлиги бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардирлар.

18. Кредит ахбороти субъекти ўзининг кредит тарихидаги кредит ахбороти бўйича иштирокчиларга эътироз билдириши ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган тақдирда белгиланган тартибда судга мурожаат этиши мумкин.

19. Кредит ахборотидан фойдаланувчилар кредит бюрolarидан кредит ҳисоботларини олиш бўйича сўровларнинг тўлалиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгардирлар.

20. Ушбу Низом талабларини бузган айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

#### **V. Яқуний қоида**

21. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги билан келишилган.

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*2012 йил 14 январь*